

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЎСИМЛИКШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ

5620200 – Агрономия (дала экинлари бўйича) йўналиши
бакалаврият 4-47 гуруҳ талабаси

МОВЛОНОВА ШАХНОЗА РАХМАТОВНАНИНГ

Б И Т И Р У В

М А Л А К А В И Й И Ш И

Мавзу: «соя навларининг ҳосилдорлигига экиш муддатининг таъсири»

Илмий раҳбар:

Ўсимликшунослик кафедраси
ассистенти, к.х.ф.н.

Н.С.Умарова

Иш кўриб чиқилди

ва ҳимояга қўйилди:

Ўсимликшунослик кафедраси

Агрономия факультети

муdiri, доцент ____ И.А.Исраилов

декани, доцент ____ Х.Алланов

2014 __ йил « __ » _____.

2014 __ йил « __ » _____.

Тошкент – 2014 й.

КИРИШ	3
1.АДАБИЁТЛАР ШАРХИ	5
2.ТАДҚИҚОТ БАЖАРИШ ШАРОИТИ ВА УСЛУБИ	13
2.1.Тупроқ шароити.....	13
2.2. Об-ҳаво шароити.....	14
2.3. Тажриба услуби.....	15
2.4.Тажриба агротехникаси.....	17
3.ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ	
3.1.Соя навларининг тупсони ва сақланиш даражаси.....	20
3.2.Соя навларининг ривожланишига экиш муддатларнинг таъсири.....	21
3.3.Соя навларини ўсишига экиш муддатларнинг таъсири.....	24
3.4.Соя навларининг барг ривожланишига экиш муддатларнинг таъсири	26
3.5.Соя навларининг барг юзасига экиш муддатларнинг таъсири.....	28
3.6.Соя навларининг илдиз вазнига экиш экиш муддатларнинг таъсири.....	31
3.7.Соя навларида туганакларнинг ривожланиши..экиш муддатларнинг таъсири.....	33
3.8.Соя навларининг биометрик кўрсаткичларига экиш муддатларнинг таъсири.....	37
3.9. Соя навларининг ҳосилдорлиги	40

3.10.Соя навларини такрорий етиштиришда иқтисодий самара дорлиги.....	46
ХУЛОСАЛАР.....	50
Фойдаланилган адабиётлар рўйзати.....	51

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Озиқ-овқат ҳавфсизлиги муаммоси ошиб бормоқда. Ер юзи аҳолисини озиқ- овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳозирги даврда бу асосий муаммолардан биридир. Шу муаммони ҳал қилишда Ўзбекистон давлати мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб бир қанча ўтказилган тадбирларнинг эвазига катта ютуқларга эришди. Ўзбекистонда 7млн тоннадан ортиқ буғдой етиштирилмоқда. Шу йўналишда муҳим эътибор ўсимлик оқсили билан таъминланишига аҳамият берилмоқда. Ўсимлик оқсили билан таъминлаш эса ҳар хил усулларда хал қилинмоқда. Шу усуллардан бири сероқсилли экинларни кўпроқ экиш бўлиб, бу экинларнинг орасида оқсилнинг миқдори ва сифати билан соя экини алоҳида ажралиб туради.

Соя ер юзи деҳқончилигида муҳим ўринни эгаллаган мойли ҳамда дон-дуккакли экиндир. Ер юзида соя 124 млн.га майдонга экилмоқда.

Соя донининг таркибида 30-52 % оқсил, 17-27 % мой ва 20% карбон сувлари мавжуд. Соя экинининг ер юзида кўп тарқалиши донининг ва оқсилнинг сифатлилиги билан боғлиқдир. Дони таркибидаги оқсил, мой ва бошқа муҳим органик ва маъдан моддаларнинг миқдори ва нисбати уни ҳар хил тармоқларда қўллашга имкон беради. Соя донидан мой, маргарин, пишлок, сут, ун, кандолат маҳсулотлари, консервалар ишлаб чиқарилади. Ер юзида ишлаб чиқарилаётган ўсимлик мойининг 40% ини соя мойи ташкил қилади.(Атабаева,2004)

Ўзбекистонда кузги буғдойжан ҳар йили 1 млн гадан ортиқ майдон ёзни

ўрталарида (июн ойида) бўшайди. Бу майдонлардан оқилона фойдаланиш лозимдир. Ғалладан бўшаган ерларга такрорий экинлар экиб, мўл-кўл ҳосил етиштириш имконияти мавжуд. Ўзбекистоннинг тупроқ- иқлим шароити бир йилда бир майдондан икки марта ҳосил етиштириш учун барча шароитлар мавжуд. Бир вақтнинг ўзида ҳам дон, ҳам оқил ва мой муаммоларини ҳал этадиган соя ўсимлиги ана шундай такрор экиладиган экинлар сирасига киради.

Соядан юкори ҳосил олиш учун бир канча технологик тадбирлар мажмуасининг муаммоларини ҳал қилиш талаб қилинади.

Тажрибада суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиб такрорий экилган соя навларидан юкори ҳосил етиштиришни таъминлайдиган экиш муддатини аниқлашга бағишланган.

Тажрибанинг мақсади ва вазифалари. Ғалладан бўшаган ерларга такрорий экилган соя навларининг амал даврида ривожланишини, ҳосил шаклланишини тадқиқот қилиб, юкори дон ҳосилини таъминлайдиган мақбул экиш муддатини аниқлаш. Шу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар қўйилган:

1. Такрорий экилган соя навларининг ўсиши ва ривожланишига экиш муддатини таъсирини аниқлаш;

2. Соя экинининг фотосинтетик имкониятини тадқиқот қилиш;

3. Соя навларининг ҳосилдорлигига экиш муддатини таъсирини ўрганиш.

I боб. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Суғориладиган майдонлардан унумли фойдаланиш учун ишлаб чиқаришда кўплаб такрорий дон, ем-хашак, мойли ва бошқа экинларни экиш агротехикасини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишга бағишланган изланишлар олиб борилмоқда.

Республикаимиз табиий тупроқ - иқлим шароитига кўра, амалда йилига 2-3 мартаба ҳосил етиштириш имкониятига эга мамлакат ҳисобланади. Кузги дон экинларидан ер бўшагандан кейинги фойдали иссиқлик ва ёруғликни етарли эканлиги, сунъий суғориш имкониятининг мавжудлиги такрорий экинлардан тўла фойдаланишни тақозо этади. Такрорий экинларни етиштириш технологияси такомиллаштирилса юқори ҳосил етиштириш мумкин.

Суғориладиган майдонлардан унумли фойдаланиш учун ишлаб чиқаришда кўплаб такрорий дон, ем-хашак, мойли ва бошқа экинларни экиш агротехикасини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш лозим.

Такрорий экин сифатида соя ўсимлигини экиш ҳам анча эътиборга эга, чунки бу ўсимлик дон, оксил ва мой муаммоларини хал қилади.

Юқоридаги муаммони бартараф этиш учун Ўзбекистон шароитида ёзнинг иккинчи ярмида соя пишиб етилиши ва юқори ҳосил бериши учун тезпишар навларни танлаб олиш, унинг агротехикасини ўрганиш талаб этилади.

Маълумотлар бўйича такрорий экишнинг манбаи - бу иссиқликнинг етарли даражада бўлиши ҳисобланади. Аммо навларнинг иссиқликка бўлган талаби бир хил эмас. Соя навларининг иссиқликка бўлган талаби ва тезпишарлиги анча

фаркланади.

Такрорий экиш учун нав танланганда, албатта хаво хароратининг йиғиндисини, кечки ва эртанги совуқ бўлиш муддатларининг аниқланиши талаб қилинади.

Тошкент вилояти учун агрометеорология маълумоти бўйича охирги совуқ 25 мартда ва биринчи кузги совуқ 29 октябрда кузатилади. Ўртача фойдали харорат йиғиндиси 1657 °С ташкил қилади. Совуқсиз давр 216 кунга тўғри келади, бу демак 2 маротаба ҳосил етиштиришга шароит мавжуд.

Агар соя 26 июнда экилса фойдали харорат йиғиндиси 1084,7 °С га тенг бўлади, бу шароитда эртапишар соя нави 80 кунда етилади.

Такрорий экин сифатида соя ўсимлигини экиш ҳам анча эътиборга эга, чунки бу ўсимлик дон, оксил ва мой муаммоларини хал қилади.

Экиш муддатини бошланиш мезони-бу экиш чуқурлигида тупроқ харорати. Соя учун бу энг камида 6-7 даража бўлиши лозим, аммо бундай хароратда майсаланиш даври анча узоқ давом этади. Иссиқлик етарли бўлмаса уруғ чириши мумкин, меъеридан ортиқ бўлса гуллаш-мева шаклланиш даври анча қисқаради, бу эса ҳосилдорликни пасайтиради.

Махсулдор агроценозни шакллантиришда соя навларининг хусусиятини инобатга олиб, экиш муддатини белгилаш лозим. Кўп йиллик тадқиқотлар натижаларига асосланиб эртапишар навларни кечроқ ва қалинроқ экиш мақбул деб ҳисобланган. Бу муддатдан чекланиш ҳосилни камайтиради .] Мақбул экиш муддатини танлаш, ҳосилни анча оширишни таъминлайдиган манба. Бабич А.А.[3], Batwal, G. D., Sabale, R. N., Varshneya, [26], Неъматов

[22] маълумотлари бўйича сояни тупроқнинг экиш чуқурлигида харорат 12-14°С ни ташкил қилганда экиш мумкин.. Россиянинг Овропа қисмида бу апрелнинг учинчи ўн кунлиги- май ойининг биринчи ўн кунлигига тўғри келади. Узоқ Шарқда тупроқ харорати 10-12°С ни ташкил қилганда экиш бошланади.

Хабаровск ва Приморск ўлкаларида энг қулай муддат май ойининг иккинчи ўн кунлиги, Амурск вилоятида - май ойининг иккинчи ўн кунлиги ҳисобланади. Экиш муддати кечиктирилса, ҳосилдорлик камаяди ва сифати пасаяди [Тютюнников, 23; Sutyawanshi, Ekshinge , 30, www.soybean, [www. soya](http://www.soya), www.soyafood, 31],.Сояни анча кеч ҳам экиш мумкин. Республикамизда кузги буғдойдан бўшаган майдонларга соя навларини экиш амал қилинмоқда. Соянинг энг шимолий экотиплари тупроқ харорати 8-10°C, кеч баҳорги совуқ тушмайдиган ва харорат пасаймайдиган вақтда экилади. Баҳор эрта келганда сояни апрел охирида, ёғингарчилик кўп бўлган йилларда май ойида экиш мумкин. Ўзбекистонда 2009 йили баҳорда ёғингарчилик кўп бўлганлиги туфайли соя май ойида экилди. Соя экиш муддатини айрим бегона ўтларнинг униб чиқишига қараб аниқлаш мумкин, масалан, ёввойи сули, дала хантали, ола бўтанинг майсаланишида сояни экиш мумкин.

Воронеж ДАУ да 1995-1997 йилларда олиб борилган тажрибаларнинг натижаси бўйича соянинг энг мақбул экиш муддати 20 апрел ва энг паст натижа берган муддат-май ойининг охири-25 май. [(Баранов, 4; Баранов, Лебедовский,6; Васильев, 10; Горелов, Бабаяров, 11; Гофман, 12; Гуртовая, 13].

Сояни турли меъёрда ва турли қалинликда экиш учун экиш муддатига ҳам боғлиқ. Эртапишар навлар 20-30 майгача экилганда туп сони гектарига 800-900 минг донани ташкил қилади. Ўртапишар навлар 15-30 майларгача экилганда 700-750 минг/га туп сони, кечпишар навларда 10-25 апрелда экилганда 300-500 минг/га туп сони бўлган. Буларнинг ҳаммаси экиш муддати билан бирга экиш зонасига ҳам боғлиқ. Бабич А. А. [3] Украина шароитида соя навларини иқлим-тупроқ шароитига боғланган ҳолда аниқлашни тақозо этади. Нематов Х.Ш. Бухоро вилоятида соя навларини кам шўрланган тупроқларда экиб экиш муддатларини тадқиқ қилган [22] .

Соянинг энг кенг амал қилинадиган экиш усули-кенг қаторлаб қатор орасини 45 см қилиб экиш. Амурск вилоятида сояни икки қаторлаб (51+15 см) ёки уч

қаторлаб (51+7,5+7,5 см) экилади. Россиянинг жанубида гербицидсиз соя етиштирилганда қатор орасини 60 ёки 70 см қилиб экилади. Бунда ССТ-12Т русумли сеялкалар СТЯ-31000, СЗСШ-3,6, СПЧ-6М, СУПН-8 мосламалари билан экилади [Гофман А.В., 12; Баранов В.Ф., Уго Того Корреа, 9].

Краснодар ўлкасида сояни ишлаб чиқаришда кенг қаторлаб, қатор ораси 45 см, экиш меъёри 200 минг унувчан уруғ ёки ёппасига қаторлаб, қатор ораси 20см, экиш меъёри 600 минг дон унувчан уруғ экиш маъқул деб топилган [Баранов В.Ф., Марин В.И., 5.] Соя уруғининг экиш чуқурлиги 4-5 см, тупроқнинг юқори қисми қуруб қолганда ва енгил тупроларда - 6-7 см.

Сояни кенг қаторлаб, қатор орасини 45, 60 и 70 см қилиб экилганда маккажўхорида қўлланиладиган сеялкалар СУПН-8, СКПП-12 ёки қанд лавлаги экадиган ССТ-12В сеялкалар қўлланиши мумкин (38). Қўш қаторлаб икки ёки уч қаторлаб (лента усули) (60x15 ёки 45x15) экишда СКОН-4,2 ёки СО-4,2 русумли сабзавот сеякалари қўлланилади. Тоза ерларда ёппасига қаторлаб СЗП-3,6 дон сеякаларида экилади [Гуртовая, 13].

Экиш меъёри шундай аниқланиши лозимки, ҳосил йиғиш вақтида кенг қаторлаб ва лента усулида экилганда тезпишар, эртапишар ва ўртапишар навларнинг тупсони 0,45-0,50; 0,45-0,35 и 0,30-0,25 млн/га ўсимлик, ёппасига қаторлаб экилганда тупсони 10-15% ортиқ бўлади [Гофман, 12]..

Соя уруғбарглари ер юзига чиқаради, шунинг учун экиш чуқурлиги саёзроқ бўлади-3-4 см. Энг муҳими - уруғ экиш қатламида харорат етарли бўлганда экилиши, шунинг учун айрим холларда экиш чуқурлиги 5-6 см гача бўлади.. Амалда экиш чуқурлиги 6 см (уруғнинг диаметри 10 га кўпайтирилади) . Экиш чуқурлиги 6 см дан чуқур бўлса, майсаланиш суст кетади, уруғнинг бир қисми униб чиқмайди [Гуртовая, 13].

Волгоград шароитида соянинг экиш усули даланинг бегона ўтлар билан зарарланишига боғланган ҳолда аниқланади. Тоза ерларда ёки гербицид қўлланилганда сояни ёппасига қаторлаб экиш маъқул деб топилган. Бунда уруғ

СЗА- 3,6 ва бошқа дон экадиган сеялкаларда экилади, қатор орасига ишлов берилмайди. Аммо амалда соя кенг қаторлаб экилади, қатор ораси 45 см қилиб қанд лавлаги сеялкасида экилади (ССТ-12В, СТЯ-31000мослама билан).Сояни 60 ва 70 см сабзавот (СО-4,2, СКОН-4,2) ёки маккажўхори экадиган сеялкада (СУПН-8А, СКПП-12, СПЧ-6М ва бошқ.) экиш мумкин.Экиш чуқурлиги ўртача 5-6 см бўлиб эрта экилганда камайтиради, кеч экилганда чуқуррок экилади.Волгоград шароитида ҳам экиш меъёри навларнинг тезпишарлигига боғлаб аниқланади. Эрта ва ўрта пишар навлар ёппасига қаторлаб экилганда 0,8-0,9; 0,7-0,75 и 0,6-0,65,кенг қаторлаб экилганда (45 см) - 0,7-0,75; 0,6-0,65 0,5-0,55 млн.дона/га уруғ экилади.Бу меъёрлар намлик етарли бўлганда 30-35% га оширилади, қурғоқчил ва унумдорлиги паст тупроқларда –камайтиради.Ўртача гектарга 70 дан 120 кг/га уруғ экилади [10].

Чуваш Республикасида 2000 йили соянинг экин майдони 255 гектарни ташкил қилган.Чувашиянинг кишлок хўжалиги ИТИ да ҳар йили 70 т уруғ етиштирилади.Бу институтнинг олимлари соянинг экиш муддати, усули, меъёрини ўрганиш ва республика учун мақбуллаштириш бўйича илмий ишлар бажаришган. Тажрибаларда соянинг шимолий экотипига мансуб Магева нави экилган [12, 13]

Соянинг экиш усули ҳосилдорликка кескин таъсир кўрсатади.Ишлаб чиқаришда сояни кенг қаторлаб экиш ишончли ҳосил етиштиришни таъминлайди. Аксарият холда соя қатор оралари 70 см қилиб экилади. Бу қатор орасини амал даврида 2-3 маротаба ишлов беришга қулай ҳисобланади. Маданийлашган тупроқларда ёппасига қаторлаб экиш ҳам амал қилинади. Институтда 5-та нав ҳар хил усулда экилган. Барча тадқиқ қилинган навлар ёппасига қаторлаб экилганда ижобий натижа кўрсатган, аммо юқори кўрсаткичлар Ника ва Валента, паст кўрсаткич Рента ва Лакта навларида кузатилди. Ёппасига қаторлаб экилганда майдонда ўсимликлар бир хил жойлашади, ёруғлик билан таъминланиши, айниқса дастлабки ривожланишида, мақбул бўлади. Бу ишлаб чиқаришда ҳам ўз

исботини топган. Бу экиш усулида албатта гербициддан фойдаланиш лозим. Бу тажрибада янги навларнинг экиш меъёрлари ҳам тадқиқ қилинган. Лира ва Ника навлар учун 400 минг, Лань, Вилана, Рента навларга 200-250 минг дона уруғ мақбул деб ҳисобланади [8] .

Умуман мақбул экиш муддати-бу хаво харорати эмас, тақвим эмас, бу- экиш чуқурлигидаги мақбул тупроқ хароратидир. [8] . (Михайлина В.В. Куренной В.Н. ,2005). Ўрта мўтадил минтақаларда тупроқ харорати 15°C бўлганда экилади. АҚШда одатда соя май-июн ойларида экилади. Экиладиган майдонда охириги 3–5 йилда соя экилмаган бўлса, унда нитрагин қўлланиши лозим. Инокуляция махсус бактерия *Rhizobium japonicum* билан ўтказилади.

Бир гуруҳ олимларнинг фикри бўйича мақбул экиш муддати-май ойининг биринчи ўн кунлиги, бунда тупроқ харорати +10°C тенг бўлади. [Hampton, 27; Jamachi, 28.] .

Соянинг биологияси кунгабоқар ва маккажўхориға яқин, шунинг учун бу экинлар экиладиган минтақаларда соя экилиши мумкин.

Етиштириш технологияси яратилганда экиш муддати, усули, меъёрини тавсия этишда навнинг биологияси билан боғлиқ холда бу муаммо ечилади.

Японияда сояни экиш муддати ва меъёри 'Sachiyutaka нави учун ўрганилган. Тажриба натижалари бўйича июнда экиш эрта, мақбул экиш муддат деб июл ойи аниқланди, бу муддатда сифатли ҳосил олинади [27; 28, 31.]

Ҳиндистоннинг Махарашта штатида соянинг экиш муддати 23 июндан 4 ноябргача ўрганилди. Тажрибада Мас 124 нави экилган. Ёғингарчилик миқдори 509,7мм ни ташкил қилди. Экиш муддати ўсимликнинг ўсишига, барг сонига, биринчи дуккакни жойлашишига, дуккак сонига, дуккак вазнига таъсир кўрсатди. Бу кўрсаткичлар эрта экилганда юқори бўлган. Кеч экилганда мой ва оксил миқдори камайган [Batwal, G. D., Sabale, R. N., Varshneya , 26.] 2000-2001 йилларда соянинг 6-та намуналари (MAUS 55, MAUS 1, JS 335, MAUS 2 ва MAUS 32) 15 - 30 сентябрда, 15 - 30 октябрда экилди. Тажрибаларда соянинг

генотипларида JS 335 ва MAUS 32 сентябрда экилганда бошқа муддатларга нисбатан дуккаклар сони, дон сони, уларнинг вазни юқори бўлган. 15 сентябрда экилганда муҳим хўжалик белгилари паст бўлиб, MAUS 47 намунасида барча кўрсаткичлар 30 сентябрда экилганда юқори бўлган.

Соянинг экиш муддатини махсуддорлигига таъсирини ўрганиш учун анча совуқ минтақада-Янги Зеландияда тажрибалар ўтказилган. Тажрибалар 4-та иқлим зоналарида олиб борилган. Соя 15 ноябр, 7 ва 29 декабрда 1999 ва 2 ва 17 октябр, 1 ва 16 ноябрда 2000 йили экилди. Дон ҳосили 15 ноябрда экилганда 277 г/кв.м ни ташкил қилди. 2000 йили 224-269 г/кв.м ҳосил олинди. Энг яхши уруғликни октябр ва ноябрнинг ўрталарида экилганда етиштириш мумкин. [J. G. Hampton, M. J. Hill. New Zealand, 27].

Қабул қилинган муддатдан кечроқ экилган соя намуналарида флавоноидлар миқдори Tohoku 126 навига нисбатан кўп бўлганлиги қайд қилинган. Флавоноидларнинг сифати хароратга боғлиқ бўлиб, корреляция коэффиценти $r = 0,929$ ташкил қилган. [Asanuma Koh-ichiro, Okumura Michio, 25].

Японияда ўтказилган тажрибаларда икки муддатда Williams-82 нави хар хил ўғит меъёрида ўрганилган. (60 кг фосфор + 30 кг калий 25,50, 75 100 и 120 кг азот фониди). Ўғитлар инокуляция билан ва инокуляциясиз ўрганилган. Эрта экилганда ўғитларнинг ижобий таъсири кузатилган. . [Asanuma Koh-ichiro, Okumura Michio, 25 ; Marty,29.].

Экиш муддатлари 2005 й тажрибаларда навларнинг дон сифатига турлича таъсир кўрсатган. Бу навларнинг биологиясига боғлиқ бўлган. Тажрибада Алдана ва Альба навлари экилган. Экиш муддати ингибитор трипсиннинг фаоллигига таъсир қилиб, оксил миқдorigа кам таъсир кўрсатганлиги аниқланди. Барча тадқиқ қилинган навлар учун энг кечки экиш муддатда (24.06.05) дон шаклланиши суст кетган ҳамда мой миқдори камайган ва мойнинг таркибидаги олеин кислотасини миқдори камайган . [Баранов, 8].

Дон сифати барча экилган навларда эрта экиш муддатидан кеч экиш муддатига қараб ўзгаради, оқсил миқдори ошиб боради. Ҳар хил муддатда экилган соя навлари ҳар хил чуқурликда экилган. Кеч экилганда экиш чуқурлиги 10-12 см гача бўлиши мумкинлиги аниқланган. Навларнинг орасида эртапишар Лира нави чуқур экилганда яхши натижалар кўрсатган. Экиш чуқурлиги ташқи муҳитга боғлиқ бўлган. Июнда экилганда май ойида экилган вариантларга нисбатан ҳосилдорлик барча экиш чуқурлигидаги вариантларда паст бўлганлиги аниқланди. [9].

Хисор водийсида ўтказилган тажрибаларда [М.Мирзовалиев , 20] такрорий экилган соянинг «Орзу» навидан 15,5 ц.дан 21,2 ц.гача дон ҳосили олинган, мошнинг Тожикистон - 1 навидан 13,7 ц.дан 8,2 ц. гача, ловиянинг маҳаллий навидан 9,5-13,8 ц.дан дон ҳосили олинган. Энг юқори ҳосил июнда экилганда олинган. Шу тажрибада такрорий экилган соянинг ўсув даври 33-42, мошники 14-16 кун ва ловияники 14-15 кунга қисқарган. Муаллифнинг фикрича такрорий экинларни 20 июлдан кейин экишнинг самараси йўқ.

Х.Н.Атабаева ва М.Толиповларнинг [2]. маълумотлари бўйича кузги буғдойнинг Санзар-4, Интенсивная, арпанинг Зафар ва Унумли навларидан бўшаган ерларга соя, мош, маржумак экилиб ўртача 3 йиллик тажрибаларида такрорий экинлардан 17,0-33,0 ц/га дон олинган.

Экиш муддати экиш меъёри билан боғлиқ бўлади. Эртапишар навлар 20-30 майда экилганда экиш меъёри 800-900 минг дона /гауруғ бўлиши, ўртапишар навлар 15-30 майда экилганда экиш меъёри 700-750 минг дона/га уруғ, кечпишар навлар 10-25 апрелда 300-500 минг дона/га уруғ экилиши лозим. Бу доимо иқлим шароити билан боғлиқ бўлади [17].

Умуман ҳар хил тупроқ-иқлим шароитида соя навларини асосий экин сифатида экилганда экиш муддати мақбул уруғ униб чиқиш ҳароратига қараб аниқланади.

Ўзбекистон шароитида соя навларини асосан кузги дон экинларидан бўшаган майдонларга экиш имконияти мавжуд. Бу имкониятдан тўла фойдаланиш лозим. Такрорий экишда кеч экилса дон етилмаслиги мумкин. Шунинг учун навларнинг биологик хусусиятини назарда тутиб соя навларини такрорий экишда энг мумкин бўлган кеч экиш муддатини аниқлаб бериш. [(Кучеренко, Петибская17; Масандилов, 18; Махмадиёров,19; Мирзовалиев, 20)]. Тошкент вилоятида соя навлари такрорий экилганда тупроқда 2,5-2,8 т/га илдиз ва анғиз қолдиқлари қолган. Бир тонна илдизжа 17,5 кг азот, 5,7 кг фосфор ва 132,5 кг калий мавжуд. Бундан тупроқ унумдорлиги қанчага ошганлигини аниқлаб бериш мумкин

Мавзу бўйича таҳлил қилинган адабиётлар бўйича қуйидаги хулосалар қилинади:

1.Соянинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилни шаклланишига навлар хусусияти, уларни экиш муддати, меъёри, усули таъсир қилиши исботланган. Кўрсаткичлар минтақалар бўйича ҳар хил.

2.Соя навларини асосий ва такрорий экишда экиш меъёри, муддати, усули тўла тадқиқ қилинмаган, адабиётларда бу масалалар бўйича маълумот етарли эмас.

II БОБ.. ТАЖРИБА ЎТКАЗИШ ШАРОИТИ ВА УСЛУБИ.

2.1 Тупрок шароити

Илмий ишлар 2009 йили Тошкент Давлат аграр университети тажриба станциясида ўтказилди. Тажриба даласи Чирчик дарёсининг юқори қисмида денгиз сатҳидан 481 м. баландликда, 41° И¹¹ шимолий кенгликда ва 38° 31^м шарқий узокликда Тошкент вилоятининг Қибрай туманида жойлашган.

Тажриба хўжалиги тупроғи қадимдан суғориб келинадиган типик бўз тупрокдир. Типик бўз тупрок таркибида 1,0-1,3% чиринди, 0,089%-0,102 атрофида азот, 0,141-0,184% га яқин фосфор ва 1,70-1,80% калий мавжуд. Бу эса ўсимлик усув даврида фойдаланадиган озунка унсурларининг етарли эмаслигидан далолат бериб турибди. Бундан ташқари бу тупроқлар сув ўтказувчанлиги, юмшатишнинг мураккаблиги билан фарқ қилади. Суғориш натижасида тупрок қатлами зичлашиб боради. Суғоришдан ва бўлиб ўтган ёгингарчиликдан кейин қатқалок ҳосил бўлади (Ю.А.Панков, 1970).

Ер ости сувлари 3 м. дан чуқурак қатламда жойлашган. Маъдан ва органик ўғитлар қўлланилса дала экинларидан юқори ҳосил етиштириш мумкин. Тажриба кузги бугдойдан бўшаган ерга экилди.

2.2 Об-ҳаво шароити

Тошкент вилоятининг иқлим шароити континентал хусусиятга эга. Баҳор эрта бошланади. Март ойида ҳарорат анча ошади, ёгингарчилик кўп бўлади. Ёз анча узок, вақт давом этади, ҳаво ҳарорати юқори бўлади. Июнь ва июл ойларида ёгингарчилик кам бўлади, максимал ҳарорат 40 °С дан ошади. Кузда илиқ кунлар анча узок, давом этади, ҳаво ҳарорати секин пасайиб боради. Октябрнинг охирида ёки ноябрнинг бошида совуқ, тушиб дала экинларининг вегетацияси тухтайди. Бу даврда ёгингарчилик миқдори ошади. Тажриба ўтказилган йили баҳорда ёгингарчилик кўп бўлиб дала ишларини ўтказишга анча муаммо туғилди. Амал давридаги об-ҳаво шароити бўйича маълумотлар охиригача тайёр эмас, шунинг

учун келтирилмади.

Университетнинг тажриба станциясида соя навларини такрорий тажрибалар учун ер ажратилди, экишга тайёрланди. Тошкент вилояти учун мақбул деб ҳисобланган соя навлари танлаб олинди. Навларнинг амал даври ҳар хил бўлган навлар танланди. Экишдан олдин ризобиум бактерияси билан ишлов берилган..

2.3 Тажриба услуби

Тажриба дала ва лаборатория услубида олиб борилди. Дала тажрибаларида соянин навлари такрорий экишда уч хил муддатда экилган-15июн, 1 ва 15 июлда экиб ўрганилган. Дала тажрибалари ЎзПИТИ(2007) ва Доспехов (1085) услубларида олиб борилди. Тажриба тўрт такрорланишда олиб борилган. Пайкалнинг юзаси 24 кв.м, ҳар пайкалда 4-та қатор, эни 2,4м, узунлиги 10 м.

Тажриба вариантлари

Т.Р.	Навлар	Экиш муддати	Экиш меъёри	
			минг дона/га	Кг/га
1	Ўзбек-2	15 июн	400	68
2	Ўзбек-2	1 июл	400	68
3	Ўзбек-2	15 июл	400	68
4	Орзу	15 июн	500	88
5	Орзу	1 июл	500	88
6	Орзу	15 июл	500	88

Тажрибада қуйидаги кузатувлар, ҳисоблар, ўлчовлар олиб борилган:

- 1.Соя навларининг илдизида туганакларнинг сони ва вазни аниқланган;
- 2.Соя навларининг илдиз вазни аниқланган;

3.Навларнинг ривожланиш давлари - гуллаш, пишиш - ҳисобли ўсимликларнинг ҳамма такрорланишида кузатилган.

4.Навларнинг туп сони - майсалашнинг охирида ва ҳосил йиғишдан олдин ҳамма такрорланишда ҳисобли каторларда аниқланган;

5.Ўсимликларнинг ўсиши – ҳисобли ўсимликларнинг баландлиги ҳамма такрорланишда ғунчалаш, гуллаш, дуккак шаклланиши давларида ўлчанган;

6.Баргларнинг сони ҳисобли ўсимликларда ҳамма такрорланишда ғунчалаш, гуллаш, дуккак шаклланиши давларида аниқланган;

7.Барг юзаси А.А.Ничипорович (1963) усулида аниқланган. Бунинг учун ҳар кўринишдан 20 та дойра шаклида барг намуналарининг қуруқ ва ҳўл ҳолатда вазни аниқланади) юзаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланган:

$$L, \text{ қ} \frac{V_1}{V_2} \frac{X}{\rho_2} \text{ (см)}$$

L₁- 1 та ўсимликнинг барг юзаси, см²;

V₁- 1 та ўсимликнинг барг вазни, г;

L₂ - 20 та доирачанинг юзаси, см²;

V₂- 20 та доирачанинг вазни, г.

Ўсимликларнинг туп сони, тупдаги барг вазнига асосланиб бир гектарга тўғри келадиган барг юзаси аниқланган. Кузатишлар икки такрорланишда олиб борилган.

8.Дуккак таҳлили - ҳисобли ўсимликлардаги дуккаклар алоҳида йиғилиб, дуккак узунлиги, вазни, дон вазни, дон чиқиши, 1000 та донни вазни барча такрорланишларда аниқланган.

Тажрибада экилган навлар тавсифи.

Тажрибада соянинг эртапишар «Орзу», ўртапишар «Ўзбек-2» навлари экилган.

«Орзу» эртапишар нав бўлиб, экишдан гуллашгача 35-40 кун ўтади, пишиш

давригача 110-120 кун, пояси шохланади. Пояси тик ўсади, тупи ғовак, поя баландлиги 50-70 см. гача бўлиши мумкин. Барги уч бўлаккли, йирик, оч яшил рангли. Ўсимликнинг баргланиши ўртача, барглар симметрик жойлашган. Барг бандининг узунлиги 10 см. Тўла пишганда баргларнинг 75% тўкилади. Гули ок, гул тўпламида 2-7 та гул бўлади. Дуккаги кул рангли, майда, узунлиги 2,4 см. дан 4,0 см. гача. Дуккаги пишганда ёрилмайди, бир тупда ўртача 40 тага якин дуккак ҳосил бўлади. Дони ўртача, 1000 та доннинг вазни 120-130 г. Дон ҳосили суғориладиган ерларда гектаридан 32 ц., такрорий экин сифатида экилганда эса 10-20 ц дон ҳосили олинади. Доннинг таркибида 25 % мой ва 36-38 % оқсил бўлади. Муаллифлар: Раҳманов А.Р., Юнусов Б.К., Тулаганов Н., Буригина О.В.

«Ўзбек-2» нави Ўзбекистон шолчилик илмий текшириш институтида маҳаллий яшил соядан танлаш йўли билан яратилган.

Муаллифлар: Салтас М.М, Югай Т.Л, Буригина О.В., Когай М.Т. 1981 йилдан республика бўйича суғориладиган ерларда Давлат реестрига киритилган.

Ўсимликнинг бўйи 115 см гача. Барги уч баргли, узунчок, тухумсимон, чети тишчали, учи тўмтоқ,. Пояси сарик-яшил, ок тукли. Дуккаги узунчок,, япалок, учи ўткир, жигарранг-сарик, сертукли. Дони тухумсимон, ялтирок., сарик, айрим донлар яшил рангда бўлади.

Тошкент вилояти Ўртачирчик нав синаш шахобчасининг маълумотиغا кўра, 1996-1998 йиллари ўртача дон ҳосилдорлиги гектаридан 23,8 центнерни ташкил этади. 1000 та донининг вазни 186,5 г.

Нав ўртакечпишар, вегетация даври 140 кун. Донидаги оқсил миқдори 17,0-39,0 %, мой миқдори 20,2 %. Нав механизм билан ўришга яроқли. Кишлоқ хўжалик касалликлари ва зараркунандаларига чидамли.

2.4 Тажриба агротехникаси

Тажрибада озиклантириш меъёрлари тадқиқ қилинмайди. Кафедрада ўтказилган олдинги тажрибаларда аниқланган меъёрлар бўйича озиклантирилди: азот 100,фосфор 100.калий 75.-кг/га соф модда ҳисобида.

Алмашлаб экишда соя учун бегона ўтлардан энг тоза далани танлаш лозим. Соя учун кузги ғалла яхши ўтмишдош ҳисобланади. Суғориладиган далаларни теккислаш П-4 ёки ПА-3 узун таянчли теккислагич ёрдамида амалга оширилди.

Донли экинлар йиғиб олинган захотиёқ анғизни юмшатиш лозим, бу эса намликни сақлаб қолиш ва ҳайдашдан олдин бегона ўтларни ундириб олишга шароит яратилади. Ер чуқур – 27-30 см чуқурликда амалга оширилди. Бу бегона ўтлардан далани тозалашга ёрдам беради. Ҳайдалгандан сўнг дала юзаси ВП-8, ВПН-5,6 текислагичлари ҳамда борона ва шлейф тақилган КПС-4 культиваторлари воситасида текислаб чиқилди.

Ер тайёрлангандан кейин тажриба даласи пайкалларга бўлиниб экилди. Экиш усули кенг қаторлаб, қатор ораси 60 см, туп ораси 5 см, экиш меъёри гектарига вариантларга кўра 68,88 кг/га килиб экилди. Бир гектарга экиладиган уруғ 0,5 л. хажмидаги шиша идишларга кадокланган нитрагин билан ишлов берилди.

2.4.1-жадвал

Агротехник тадбирларни ўтказиш муддатлари

Т.р	Тадбирлар	Изоҳ
Такрорий экилган соя навларини агротехникаси		
13	Буғдой хосилини йиғиш ва суғориш	13.06
14	Ўғит солиш	13.06
15	Шудгорлаш	14.06
16	Чизеллаш	14.06,30 июн,16 июл
17	Бороналаш	14.06, 30 июн, 16 июл
18	Экиш	15.06; 1-17 июлда

19	Суғориш:	15.06;24.06;1июл;7.07; 18 июл; 28.07; 15 август, 5 сентябр-бу экиш муддатлари бўйича ҳар хил бўлган
20	Қатор орасига ишлов бериш 1-нчи 2-нчи	7.07 25.07, 17 август, 8 сентябр
21	Ҳосилни йигиш - дон хосили	20 сентябр, 5 октябр, 20 октябр

III боб. ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИ

3.1 Соя навларининг туп сони ва сақланиш даражаси

Ўсимликларнинг туп сони экиш меъёрига боғлиқ бўлиб далазорларда маълум микроклим яратади. Ўсимликнинг ёруғлик, озуқа билан таъминлашига таъсир қилади. Ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва хосилнинг шаклланиши экиннинг туп сонига узвий боғланади.

Соя навларини интенсив етиштириш технологиясида экиш меъёри суғориш меъёрлари, ўғитлаш тизими билан боғлиқ бўлади. Олимларни фикри бўйича экиш меъёри ўғитлаш меъёри билан боғлиқ бўлади. Экиш меъёри ошган билан ўғит етишмаса унувчанлиги, турсони камайдди. Тупсонини сақланиб қолишига ўғитлар ижобий таъсир кўрсатади. Ўтказилган илмий ишларнинг натижаси бўйича ўғит меъёри -60 килограмм азот 120 килограмм фосфор ва 60 килограмм калий қўлланилганда кузатилган.

Тажрибада такрорий экилган соя навларининг экиш меъёрлари ўрганилган. Орзу нави 300 минг дона уруғ экилганда хосил йиғишда 2-4% га камайганлиги аниқланди. Ўзбек-2 навида ҳам 2-4% га камайганлиги кузатилди. Бу иккала навда такрорий экилганда амал даврининг охирига келиб тупсони 4% га камайган. Ўзбек-6 навида тупсони 2-3% га камайганлиги қайд қилинди. Навларнинг туп сони 4-жадвалда келтирилган.

Барча экилган навларда сақланиш даражаси 95-98% ни ташкил қилди. Экиш меъёри ошгансари сақланиш даражаси бироз камайган. Бунинг сабаби - ўсимликнинг сони ошганда шароит мақбул бўлмаган деб тушуниш мумкин. Барча кўринишларда ўсимликларнинг сақланиш даражаси 300 минг/га уруғ экилганда энг юқори бўлганлиг намоён бўлди.

Экиш муддатлари бўйича вариантлар орасида сезиларли фарқ йўқ.

3.1.1-жадвал

Соя навларининг тупсони

Т.р	Вариантлар	Майсаланишда		Хосил йиғишда	
		ўсим. сони	%	ўсим. Сони	% экилган га нисбатан
15 июнда экилди					
1	Орзу- 500	500	100	485	97
2	Ўзбек-2 -400	400	100	384	96
1 июлда экилди					
3	Орзу- 500	500	100	480	96
4	Ўзбек-2- 400	400	100	384	96
15 июлда экилди					
5	Орзу- 500	500	100	475	95
6	Ўзбек-2 -400	400	100	384	96



Расм 1. Соя экинзори

3.2. Соя навларини ривожланишига экиш муддатларининг таъсири

Дуккакли экинлар каби соя ўсимлиги ҳам майсаланиш, шоналаш, гуллаш, мева шаклланиши, унинг пишиш даврларини ўтади. Даврларнинг ўтиши ва унинг учун талаб қилинадиган шароит навлар биологиясига боғлиқ бўлади. Аммо ривожланишга қўлланилган технологик тадбирлар ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Тажрибада ўрганилган экиш муддатлари амал даврини ўтишига маълум таъсир кўрсатган.

Майсаланиш даври соянинг “Орзу” навида 9-10 кунда кузатилди, “Ўзбек-2” навида 9-11 кунда. Кеч экилганда бу жараён 1-2 кун узайганлиги кузатилган. Шоналаш даври “Орзу” навида 15 июнда экилганда 24 кунда кузатилган; соянинг шу нави 1 июлда экилганда 22 кунда кузатилиб, жараён 2 кунга қисқарганлиги аниқланган; охириги экиш муддатида экилганда шоналаш даври 20 кунда кузатилиб, биринчи муддатга нисбатан 4 кунга қисқарган. Шоналаш давридан 8-10 кундан кейин гуллаш даври бошланган. Бу даврда вариантлар орасид деярли фарк

йўқлиги кузатилди. Амал даври жараёнида энг узоқ давом этадиган давр-бу пишиш даври. Бу жараёнда аввало дуккаклар шаклланади, сўнгра пишишга ўтади.

3.2.1- жадвал

Соё навларининг ривожланишини давомийлиги (ўртача 3 йиллик, кун)

№	Вариантлар		Ривожланиш давлари				
	Навлар	Экиш муддати	майса лаш	шонала ш	гуллаш	пишиш	Амал даври
1	Орзу	15.06	9	24	8	46	87
2	Орзу	1.07	9	22	8	44	83
3	Орзу	15.07	10	20	8	41	79
4	Ўзб-2	15.06	9	28	10	58	105
5	Ўзб-2	1.07	10	27	9	54	101
6	Ўзб-2	15.07	11	26	9	54	100

Кўринишларда анча фарқ кўринган. Биринчи экиш муддатида бу даврни ўтиши учун 46 кун талаб қилинган. Бу муддатдан 15 кун кейин экилганда пишиш даври 44 кунда ўтган, бир ойдан кейин экилганда -41 кун ўтганлиги кузатилган. Биринчи муддатга нисбатан бу жараён 2-5 кунга қисқарганлиги аниқланган. Амал даври биринчи экиш муддатида 87 кунни ташкил қилиб, иккинчи экиш муддатида 4 кунга қисқарган, учинчи экиш муддатида 8 кунга қисқарганлиги кузатилган. Бу маълумотлардан соянинг “Орзу” навини 15 июлда экилганда ҳам пишиш даврини ўташи мумкинлиги исботланган.

Шоналаш даври “Ўзбек-2” навида 15 июнда экилганда 28 кунда кузатилган; соянинг шу нави 1 июлда экилганда 27 кунда кузатилиб, жараён 1 кунга қисқарганлиги аниқланган; охириги экиш муддатида экилганда шоналаш даври 26 кунда кузатилиб, биринчи муддатга нисбатан 4 кунга қисқарган. Шоналаш давридан 9-10 кундан кейин гуллаш даври бошланган. Бу даврда вариантлар орасид деярли фарқ йўқлиги кузатилди. Амал даври жараёнида энг узоқ давом этадиган давр-бу пишиш даври. Бу жараёнда аввало дуккаклар шаклланади,

сўнгра пишишга ўтади.



Расм 2. Соянинг гули

Кўринишларда анча фарқ кўринган. Биринчи экиш муддатида бу даврни ўтиши учун 58 кун талаб қилинган. Бу муддатдан 15 кун кейин экилганда пишиш даври 54 кунда ўтган, бир ойдан кейин экилганда -54 кун ўтганлиги кузатилган. Биринчи муддатга нисбатан бу жараён 4 кунга қисқарганлиги аниқланган. Амал даври биринчи экиш муддатида 105 кунни ташкил қилиб, иккинчи экиш муддатида 4 кунга қисқарган, учинчи экиш муддатида 5 кунга қисқарганлиги кузатилган. Бу маълумотлардан соянинг “Ўзбек-2” навини 15 июлда экилганда ҳам пишиш даврини ўташи мумкинлиги исботланган.

Экиш муддатлари соя навларини ривожланишиги, амал даврининг давомийлигига таъсир кўрсатиб, амал даври соя навлари кеч экилганда 5-8 кунга камайганлиги аниқланган.

3.3.Соя навларини ўсишига экиш муддатининг таъсири

Ўсимликнинг ўсиш ҳолати катта аҳамиятга эга, чунки яхши ўсган

Ўсимликлардан юқори ҳосил олиш мумкин. Ўсимликнинг ўсиш жараёнида ҳосил шаклланади. Ўсиш хусусияти экинларнинг нав биологиясига боғлиқдир. Ҳар бир нав маълум ўлчамларга ча ўса олади, аммо бу биологик имконият яхши шароитда амалга ошади.

Тажрибаларда соя навларининг ўсишига экиш муддатининг таъсири кузатишган.

Шоналаш даврида биринчи экиш муддатида “Орзу” навининг поя баландлиги 35 см ни ташкил қилган. Бу нав 1 июлда экилганда поя баландлиги 32 см ни ташкил қилиб биринчи муддатга нисбатан 3 см га камайганлиги кузатишган. Охириги муддатга экилганда поя баландлиги 28 см ни ташкил қилиб, биринчи муддатга нисбатан 7 см га камайганлиги кузатишган. Соя нави июл ойида экилганда поя баландлиги 3-7 см га камайганлиги аниқланган.

Шоналаш даврида биринчи экиш муддатида “Ўзбек-2” навининг поя баландлиги 43 см ни ташкил қилган. Бу нав 1 июлда экилганда поя баландлиги 35 см ни ташкил қилиб биринчи муддатга нисбатан 8 см га камайганлиги кузатишган. Охириги муддатга экилганда поя баландлиги 30 см ни ташкил қилиб, биринчи муддатга нисбатан 13 см га камайганлиги кузатишган. Соя нави июл ойида экилганда поя баландлиги 8-13 см га камайганлиги аниқланган.

3.3.1-жадвал

Соя навларини ўсиш жараёни

(ўртача маълумот, см)

Т.р	Кўринишлар		Ривожланиш давлари		
	навлар	экиш муддати	шоналаш	Гуллаш	дуккак шаклланиши
1	Орзу	15.06	35	50	72
2	Орзу	1.07	32	46	61
3	Орзу	15.07	28	41	54
4	Ўзб-2	15.06	43	62	96
5	Ўзб-2	1.07	35	50	72
6	Ўзб-2	15.07	30	38	54

Гуллаш даврида биринчи экиш муддатида “Орзу” навининг поя баландлиги 50 см ни ташкил қилган. Бу нав 1 июлда экилганда поя баландлиги 46 см ни ташкил қилиб биринчи муддатга нисбатан 4 см га камайганлиги кузатилган. Охирги муддатга экилганда поя баландлиги 41 см ни ташкил қилиб, биринчи муддатга нисбатан 9 см га камайганлиги кузатилган. Соя нави июл ойида экилганда поя баландлиги 4-9 см га камайганлиги аниқланган.

Гуллаш даврида биринчи экиш муддатида “Ўзбек-2” навининг поя баландлиги 62 см ни ташкил қилган. Бу нав 1 июлда экилганда поя баландлиги 50 см ни ташкил қилиб биринчи муддатга нисбатан 12 см га камайганлиги кузатилган. Охирги муддатга экилганда поя баландлиги 38 см ни ташкил қилиб, биринчи муддатга нисбатан 24 см га камайганлиги кузатилган. Соя нави июл ойида экилганда поя баландлиги 12-24 см га камайганлиги аниқланган.

Дуккак шаклланиш даврида биринчи экиш муддатида “Орзу” навининг поя баландлиги 72 см ни ташкил қилган. Бу нав 1 июлда экилганда поя баландлиги 61 см ни ташкил қилиб биринчи муддатга нисбатан 11 см га камайганлиги кузатилган. Охирги муддатга экилганда поя баландлиги 54 см ни ташкил қилиб, биринчи муддатга нисбатан 18 см га камайганлиги кузатилган. Соя нави июл ойида экилганда поя баландлиги 11-18 см га камайганлиги аниқланган.

Дуккак шаклланиш биринчи экиш муддатида “Ўзбек-2” навининг поя баландлиги 96 см ни ташкил қилган. Бу нав 1 июлда экилганда поя баландлиги 72 см ни ташкил қилиб биринчи муддатга нисбатан 24 см га камайганлиги кузатилган. Охирги муддатга экилганда поя баландлиги 54 см ни ташкил қилиб, биринчи муддатга нисбатан 42 см га камайганлиги кузатилган. Соя нави июл ойида экилганда поя баландлиги 23-42 см га камайганлиги аниқланган.

3.4. Соя навларида барг ривожланишига экиш муддатининг таъсири

Барг ўсимлик ҳаётида муҳим ўрин тутди, чунки айнан баргда муҳим

физиологик жараён ўтади- бу фотосинтез жараёни. Бу биологик-физиологик жараёнда ҳосил шаклланади. Бўладиган ҳосил барг ривожланишига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ушбу тажрибада барг ривожланишига эътибор қаратилган.

Шоналаш даврида биринчи экиш муддатида “Орзу” навининг барг сони 4,2 донани ташкил қилган. Бу нав 1 июлда экилганда поя баландлиги 4,1 донани ташкил қилиб биринчи муддатга нисбатан 0,1 донага камайганлиги кузатилган. Охирги муддатга экилганда поя баландлиги 3,9 донани ташкил қилиб, биринчи муддатга нисбатан 0,3 донага камайганлиги кузатилган. Соя нави июл ойида экилганда барг сони 0,1-0,3 донага камайганлиги аниқланган.

Шоналаш даврида биринчи экиш муддатида “Ўзбек-2” навининг барг сони 4,6 донани ташкил қилган. Бу нав 1 июлда экилганда поя баландлиги 4,2 донани ташкил қилиб биринчи муддатга нисбатан 0,4 донага камайганлиги кузатилган. Охирги муддатга экилганда поя баландлиги 4,1 донани ташкил

3.4.1-жадвал

Соя навларида барг ривожланиш динамикаси (ўртача маълумотлар., дона)

Т.р	Кўринишлар		Ривожланиш давлари		
	навлар	экиш муддати	шоналаш	гуллаш	дуккак шаклланиши
1	Орзу	15.06	4,2	9,1	14,3
2	Орзу	1.07	4.1	7,7	13,6
3	Орзу	15.07	3,9	7,6	13,2
4	Ўзб-2	15.06	4,6	10,8	15,9
5	Ўзб-2	1.07	4,2	10,3	15,1
6	Ўзб-2	15.07	4,1	8,9	14,4

қилиб, биринчи муддатга нисбатан 0,5 дона га камайганлиги кузатилган. Соя нави июл ойида экилганда барг сони 0,4-0,5 донага камайганлиги аниқланган.

Гуллаш даврида биринчи экиш муддатида “Орзу” навининг барг сони 9,1 донани ташкил қилган. Бу нав 1 июлда экилганда поя баландлиги 7,7 донани

ташқил қилиб биринчи муддатга нисбатан 1,4 донага камайганлиги кузатилган. Охирги муддатга экилганда поя баландлиги 7,6 донани ташқил қилиб, биринчи муддатга нисбатан 1,5 донага камайганлиги кузатилган. Соя нави июл ойида экилганда барг сони 1,4-1,5 донага камайганлиги аниқланган.

Гуллаш даврида биринчи экиш муддатида “Ўзбек-2” навининг барг сони 10,8 донани ташқил қилган. Бу нав 1 июлда экилганда поя баландлиги 10,3 донани ташқил қилиб биринчи муддатга нисбатан 0,5 донага камайганлиги кузатилган. Охирги муддатга экилганда поя баландлиги 8,9 донани ташқил қилиб, биринчи муддатга нисбатан 1,9 донага камайганлиги кузатилган. Соя нави июл ойида экилганда барг сони 0,5-1,9 донага камайганлиги аниқланган.

Дуккак шаклланиш даврида биринчи экиш муддатида “Орзу” навининг барг сони 14,3 донани ташқил қилган. Бу нав 1 июлда экилганда поя баландлиги 13,6 донани ташқил қилиб биринчи муддатга нисбатан 0,7 донага камайганлиги кузатилган. Охирги муддатга экилганда поя баландлиги 13,2 донани ташқил қилиб, биринчи муддатга нисбатан 1,1 донага камайганлиги кузатилган. Соя нави июл ойида экилганда барг сони 0,7-1,1 донага камайганлиги аниқланган.

Дуккак шаклланиш даврида биринчи экиш муддатида “Ўзбек-2” навининг барг сони 15,9 донани ташқил қилган. Бу нав 1 июлда экилганда поя баландлиги 15,1 донани ташқил қилиб биринчи муддатга нисбатан 0,8 донага камайганлиги кузатилган. Охирги муддатга экилганда поя баландлиги 14,4 донани ташқил қилиб, биринчи муддатга нисбатан 1,5 донага камайганлиги кузатилган. Соя нави июл ойида экилганда барг сони 0,8-1,5 донага камайганлиги аниқланган.

Иккала навнинг барг ривожланишига экиш муддатлари кескин таъсир кўрсатиб, экиш муддати кечикганда барг сони 1,0-1,4 га камайиб борганлиги аниқланган.

3.5.Соя навларининг барг юзасига экиш муддатининг таъсири

Ҳосил шаклланиладиган ўсимлик органи-бу барг. Барг қанча яхши ривожланса, соғлом бўлса, унда фотосинтез жараёни фаол кечади ва баргда мураккаб органик

моддалар ҳосил бўлади. Бўладиган ҳосилни башорат қилиш учун ўсимликнинг барг юзасини аниқлаш керак. Барг юзаси бирнеча хил усулдо аниқланади. Соя ўсимлигида барг юзасини аниқлаш учун ҳисобли ўсимликлардан иаълум дойрадаги кесмалар кесиб олинади, тортилади.

Тажрибада олинган маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

Дуккакланиш даврадиги “Орзу” навининг барг юзаси 2007 йилиги тажрибаларда 55,4 минг м²/га ни ташкил қилган. Иккинчи муддатда -53,0

3.5.1-жадвал

Соя навларининг барг юзаси (ўртача маълумотлар, минг м²/га)

№	Кўринишлар		Барг юзаси, минг м ² /га			Ўртача минг м ² ./га
	навлар	экиш муддати	2007	2008	2009	
1	Орзу	15.06	55,4	51,1	50,7	53,4
2	Орзу	1.07	53,0	49,7	49,6	49,4
3	Орзу	15.07	51,8	47,0	48,4	49,1
4	Ўзб-2	15.06	59,1	60,5	60,6	60,1
5	Ўзб-2	1.07	57,8	57,7	56,6	57,4
6	Ўзб-2	15.07	53,7	53,2	54,3	53,7

минг м²/га ни ташкил қилиб, олдинги муддатга нисбатан 1,4 минг м²/га камайганлиги кузатилган. Охирги экиш муддатида барг юзаси 51,8 минг м²/га ни ташкил қилиб, биринчи муддатга нисбатан 3.6 минг м²/га га камайганлиги кузатилган.

Дуккакланиш даврадиги “Ўзбек-2” навининг барг юзаси 2007 йилиги тажрибаларда 59,1 минг м²/га ни ташкил қилган. Иккинчи муддатда -57,8 минг м²/га ни ташкил қилиб, олдинги муддатга нисбатан 1,3 минг м²/га камайганлиги кузатилган. Охирги экиш муддатида барг юзаси 53,7 минг м²/га ни ташкил қилиб, биринчи муддатга нисбатан 4.4 минг м²/га га камайганлиги кузатилган.

2008 йилги тажрибаларда дуккакланиш даврадиги “Орзу” навининг барг юзаси

51,1 минг м²/га ни ташкил қилган. Иккинчи муддатда -49,7 минг м²/га ни ташкил қилиб, олдинги муддатга нисбатан 1,4 минг м²/га камайганлиги кузатилган. Охирги экиш муддатида барг юзаси 47,0 минг м²/га ни ташкил қилиб, биринчи муддатга нисбатан 4.1 минг м²/га га камайганлиги кузатилган.



Расм 3.Пишиш даврини бошланиши

Дуккакланиш даврадиги “Ўзбек-2” навининг барг юзаси 2008 йилиги тажрибаларда 60,5 минг м²/га ни ташкил қилган. Иккинчи муддатда -57,7 минг м²/га ни ташкил қилиб, олдинги муддатга нисбатан 2,8 минг м²/га камайганлиги кузатилган. Охирги экиш муддатида барг юзаси 53,2 минг м²/га ни ташкил қилиб, биринчи муддатга нисбатан 7.3 минг м²/га га камайганлиги кузатилган.

